

Пул, (Болалар учун)

05:00 / 16.02.2017 2909

Ёз куни, рамазон ойларидан бирида ифтордан аввал Адҳам сомса сотиб олиш учун тандирлардан бирига борди. Тандир олдида узун навбат бор эди. Ифтор вақти яқинлашганида навбатда турганлар норози бўла бошлашди. Сомсапаз ҳам бироз қийналди ва навбатда норози бўлаётганларга сомса сота бошлади, улардан пулларини қийинчилик билан ола бошлади. Ифтор пайтини эълон қиладиган тўп отилай деб қолганда Адҳамнинг навбати келди.

Шунда қаттиқ чарчаган сомсапаз унга адашиб кўп қайтим бериб юборди. Адҳам сукут сақлаб, ажабланганча сомсапазнинг юзига қараб қолди. Сомсапаз эса сўради: бу ерда бирор хато бўлдими болам? Адҳам шундай жавоб берди: Йўқ! Ва пулни олиб уйига чопди.

Ифтор дастурхони устида Адҳам нотинч, маҳзун эди. Ўрнига ётганида сиқилиши ва нотинчлиги кучайди. Виждони уни койий бошлади. Ўзига-ўзи шундай дерди: нима қилиб қўйдим? Нега ҳаққим бўлмаган пулни олдим?

Адҳам бор гапни онасига гапириб беришни ўйлади. Кейин бу фикридан қайтди. Чунки онаси ҳафа бўлиб, уни қаттиқ уришиши мумкин.

Тушида ҳар-хил ёмон нарсаларни кўриб чиқди. Эрталаб уйғонганида сиқилиши кўпайса кўпайдик, асло камаймади. Адҳам деворга осилган йиртма тақвимдан бир варақни йиртиб олиб унда Расулуллоҳ С.А.В. нинг ёзилган бир ҳадиси- шарифларини кўрди. Унда шундай дейилганди:

Гуноҳ бу-юрагингни сиқиб турган ва сен ундан одамлар хабардор бўлишларини хоҳламаган ишдир. (Имом Муслим)

Уятдан Адҳамнинг юзи қизариб кетди ва Расулуллоҳ С.А.В. бу ҳадиси-шарифларини у ҳақда айтганларидек туюлди. Шунда Адҳам ҳаққи бўлмаган пулни сомсапазга қайтариб, ундан узр сўради.